

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги №176 сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси (COVID- 19) тарқалиши хавфи борлиги муносабати билан ва корхона ишчилари ва бошқа шахсларнинг саломатлигини сақлаш, шунингдек, инфекциянинг корхона фаолиятини ривожлантиришга салбий таъсирини камайтириш мақсадида, ушбу умумий йиғилиш онлайн тарзида масофадан туриб амалга оширилди.

**“G’alla-Alteg” АЖ акциядорларнинг навбатдаги 2019 молия йили якуни
бўйича йиллик умумий йиғилиши
2-сон баённомаси**

2020 йил 30 март

Тошкент шаҳри

*Ўтказилиш жойи – Элбек кўчаси, 37 уй “G’alla-Alteg” АЖ мажлислар зали
Йиғилиш бошланиш вақти – 10.00*

Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши номидан Кузатув Кенгаши раиси Ф.Д.Ниязов сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини кўриш ва қворумни аниқлаб олиш зарурлигини айтди. Сўз ҳисоб комиссияси раиси Д.Юлдашевага берилди.

Д.Юлдашева 2020 йил 24 март ҳолатига ёпилган акциядорларнинг реестри бўйича навбатдаги умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 2 557 377 овозга эгаллик қилувчи 668 та акциядор киритилганлигини маълум қилди. Ҳисоб комиссияси натижаларига кўра, ушбу йиғилишга 1 706 757 дона овоз берувчи акцияларга эгаллик қилган 25 та акциядор қатнашаётганини, бу умумий жойлаштирилган акцияларнинг 67%ини ташкил қилганини ва йиғилишни очиш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда қворум етарлигини айтди.

Қворум мавжудлигини ҳисобга олиб, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очиш таклифи берилди ва овозга қўйилди.

Акциядорлар томонидан ушбу таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Акциядорлар томонидан қуйидаги 3 кишидан иборат умумий йиғилиш президиумини сайлаш таклифи берилди:

1. Кузатув Кенгаши раиси ва “Ўздонмахсулот” АК вакили Ф.Д.Ниязов
2. Ижроия органи раҳбари Б.М.Халмухамедов
3. Коорпоратив масалалар бўйича маслаҳатчи – К.С.Каримов

Навбатдаги йиллик умумий йиғилишини олиб бориш учун Кузатув Кенгаши раиси ва “Ўздонмахсулот” АК вакили Ниязов Ферузбек Джаббарович, умумий йиғилиш котибалигига акциядорлар томонидан Акромова Лобар Худайбергановнанинг номзодини тасдиқлаш учун таклиф киритилди ва овозга қўйилди. Акциядорлар томонидан умумий йиғилиш раиси ва котибаси бир овоз билан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси – Ф.Д.Ниязов

Йиғилиш котибаси - Л.Х.Акромова

Кузатув Кенгаши томонидан **санок комиссиясига** қуйидаги номзодларни сайлаш таклифи берилди:

1. Юлдашева Даврия Равшановна- ҳисобчи.
2. Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна- ҳисобчи
3. Холхўжаев Афзалхон Йўчибой ўғли – етакчи иқтисодчи.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан санок комиссияси таркиби бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш раиси жамият Кузатув Кенгашининг 2020 йил 05 мартдаги йиғилиш қарори билан тасдиқланган қуйидаги акциядорларнинг навбатдаги йиллик **умумий йиғилишини қуйидаги қун тартибни ўқиб эшиттирди:**

1. Умумий йиғилиш ишчи органи таркибини сайлаш.
2. Санок комиссияси аъзолари сони ва таркибини сайлаш.

3. Умумий йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш.
4. Умумий йиғилиш иш регламентини тасдиқлаш.
5. Жамият Бошқарувининг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботини, ҳамда ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан, ҳамда жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2019 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан мустақил ташкилотнинг ҳулосасини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2019 йил натижалари бўйича фойда таксимоти, дивиденд миқдори ва тўлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида.
11. Жамият Кузатув Кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
12. АЖ Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йилга узайтириш тўғрисида.
13. Жамиятнинг тафтиш комиссиясини сайлаш.
14. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
15. 2020 йил учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
16. 2019 йил якуни бўйича Кузатув Кенгаши ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш.
17. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси кун тартиби билан йиғилганларни таништиргандан сўнг, ушбу йиғилишни қуйидагича регламент билан олиб боришни ўқиб эшиттирди;

Йиғилиш раиси Ф.Д.Ниязов биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи масалаларнинг ҳар бири бўйича 5 дақиқа, бешинчи масала бўйича 15 дақиқа, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи масалалар бўйича 10 дақиқа, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи масалалар бўйича 5 дақиқадан, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи, ҳамда ўн олтинчи ва ўн еттинчи масалалар юзасидан 5 дақиқадан, қўшимча сўзга чиқувчилар учун 3 дақиқадан 5 дақиқача, ҳамда танаффус билан жами 2 соатда йиғилишни тугатиш белгиланганлигини билдириб, кун тартиби, шунингдек иш регламентини тасдиқлаш таклифини берди.

(Иш регламенти илова қилинади. Илова №1).

Бюллетенларда берилган йиғилиш кун тартиби, иш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш масалалари бўйича акциядорларга берилган бюллетенлар орқали овоз беришларини, кун тартибидаги 14 масала юзасидан конунчиликда белгиланган тартибга асосан кумулятив овоз беришлари ҳақида тушунтириб ўтди.

Жамият фаолиятига боғлиқ масалалар юзасидан, яъни **бешинчи масала** Жамият Бошқарувининг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботини, ҳамда ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор В.Д.Смирновнинг ҳисоботи эшитилди. У 2019 йил давомида бизнес режа бўйича тегирмонда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси – 90 000 тн. амалда, жами 88 021 тн. ун маҳсулоти ишлаб чиқарилганлигини, бу режани 98 %га бажарилганини, омухта-ем ишлаб чиқариш режа бўйича 33 600 тн. белгиланган бўлиб, амалда 33 500 тн. маҳсулот ишлаб чиқарилди, режага

нисбатан 99,7% бажарилганлигини билдиради. Жамият 2019 йил натижалари буйича 24 933 460 минг сўм соф фойда олди. Юкорида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш режасига нисбатан аҳамиятсиз даражада тўлик бажарилмаседа, баъзи харажатларнинг, яъни давр харажатларининг 89% га кискариши, ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни эркин нархларда сотиш ишлари йўлга қўйилгани муносабати билан Бизнес-режада белгиланган соф фойда буйича кўрсаткич 1659%га бажарилганлигини маълум килди.

Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари буйича директор В.Д.Смирнов ҳам ўз хисоботида жамиятнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнларини ва ишлаб чиқариш технологияларини иш фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш билан бирга, жамият омборидаги бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни мунтазам равишда инвентаризациядан ўтказиш ишларини ташкиллаштириб, ишлаб чиқариш цехларининг дастгоҳлари учун талаб этиладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар эҳтиёжи кондирилишини таъминлаб барча цех бошликлари томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан жамият эҳтиёжи учун талаб этиладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан конунчиликда белгиланган тартибда сотиб олиш ишларини ташкиллаштирганлигини маълум килди. Жумладан 2019 йил IV-чорак давомида эҳтиёт қисмлар учун 81 771 579 сўм, қурилиш материаллари учун 82 531 111 сўм, копмаҳсулотлари учун 121 739 115 сўм, инвентарвахҳжалик моллари учун 58 623 127 сўм, бошқа материалларга 128 349 225 сўм, ун маҳсулотига қўшиш учун витаминларга 477 175 660 сўм маблағ сарфланган. Ушбу маълумотларни жамиятда жорий этилган 1С программаси базасига онлайн тарзда кунлик киритиб борилишини катъий назоратга олганлигини айтиб ўтди.

(Жамият Бошқарувининг ва Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари буйича директор В.Д.Смирновнинг хисоботи, шунингдек бизнес-режа таҳлили илова қилинади. Илова №2 ва №3)

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** буйича йиғилиш раиси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конуннинг 102-моддасига асосан жамиятнинг йиллик хисоботини 2020 йил 05 мартдаги жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланганлигини билдириб, 2014 йил 9 октябрдаги «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2019 йил якуни буйича йиллик хисоботини йиғилиш катнашчиларига таништирди. (2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2019 йил якуни буйича йиллик хисоботи илова қилинади. Илова № 4.)

Умумий йиғилиш иштирокчилари томонидан АЖнинг 2019 йил якуни буйича йиллик хисоботи ўзаро муҳокама қилингандан сўнг уни тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан жамият тафтиш комиссияси раиси Е.А.Патрина жамиятнинг 2019 йил молиявий-ҳўжалик натижалари буйича ҳулосаси билан таништирди. Жамият тафтиш комиссияси томонидан жамият хисобот бўлимида тафтиш ўтказилиб, унда бухгалтерлик ҳужжатларининг юритилиши, хисоб юритилиши тартиби, асосий воситалар,

дебитор ва кредиторлик қарзлар бўйича ва бошқа ҳисобот ҳужжатлари қўриб чиқилганлиги билдирилди.

(Жамият тафтиш комиссияси ҳулосаси илова қилинади Илова №5.)

Е.А.Патринага саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси Ф.Д.Ниязов томонидан Жамият тафтиш комиссиясининг 2019 йил натижалари бўйича ҳулосасини тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

Розилар – 1 706 757дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси **сакқизинчи масала** юзасидан ахборот учун сўзни «PROM-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори С.Т.Зукальга берди. У АЖнинг 2019 йил молиявий ҳисоботлари тайёрланиши ва ҳаққонийлиги текширилиб, аудиторлик ташкилоти томонидан ҳолисона тасдиқланганини ва ижобий ҳулоса берилганлигини, шунингдек жамиятнинг молиявий ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармонига асосан МХХС (МСФО) асосида тайёрланганлигини ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлигини билдириб, йиғилиш аъзоларини ушбу ҳисобот билан таништирди. (МХМС ва МХХС асосида тайёрланган 2019 йил молиявий-ҳўжалик яқуни бўйича баланс ҳисоботи ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлиги юзасидан берилган аудитор ҳулосаси илова қилинади).

(Аудиторлик текшируви ҳулосаси илова қилинади. Илова №6, №7).

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси томонидан «PROM-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2019 йил натижалари бўйича ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлиги юзасидан берилган ижобий ҳулосасини тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

Розилар – 1 706 757дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Тўққизинчи масала юзасидан Бошқарув аъзоларидан А.Кодиров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони ҳамда “Акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси”нинг 9-сонли йиғилиш баёни қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”ни 2016 йил 8 августдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида жамиятга жорий этилганлигини маълум қилиб, 2019 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан 2020 йил 24 февралдаги Кузатов кенгашининг йиғилиш қарорида тасдиқланган мустақил ташкилот сифатида Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат қорхонаси томонидан берилган ҳулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Унга кўра Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра қоникарли деб эътироф этилганлигини маълум қилди. (Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат қорхонасининг ҳулосаси илова қилинади. Илова №8)

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси томонидан Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат қорхонасининг 2020 йилдаги корпоратив бошқарув

тизимини баҳолаш юзасидан берилган хулосасини тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бош ҳисобчи в.б. А.М.Эшмамамов кун тартибидаги **ўнинчи масала** бўйича ахборот бериб, 2019 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича корхона 24 933 460 000 сўм соф фойда олганини билдириб, олинган соф фойданинг 70%и, яъни 17 453 422 000 сўм маблағни жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилиши, қолган 30%и 7 480 038 000 сўмини дивидендлар тўловига ажратиш мумкинлигини билдириб, бунда бир дона оддий акция учун 2922 сўм ва имтиёзли акцияларнинг ҳар бири учун 3556 сўмдан дивиденд тўланишини маълум қилди.

(Дивидендлар ҳисоби илова қилинади.Илова №9).

Йиғилиш раиси ушбу масала юзасидан бюллетень орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси соф фойда таксимоти ва дивидендлар ҳисобини тасдиқлаш таклифини бериб овозга қўйди:

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан йиғилиш раиси Ф.Д.Ниязов Кузатув Кенгашининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, 2019 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди. Ўтган ҳисобот йили давомида акциядорларнинг 1 та умумий ва 16 та кузатув кенгаши йиғилишлари, шундан ҳар чоракда Бошқарувнинг жамият молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи, бухгалтерлик баланси ва молиявий кўрсаткичлари, ички аудит хизмати бўлими ҳисоботи ва бошқа масалалар бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиб, маъқуллаган ва тасдиқлаганлигини, шунингдек жамият Бошқарув органининг ҳар чораклик фаолиятини «Хўжалик жамиятларидаги Кузатув Кенгашилари, давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар, ишончли бошқарувчилар ҳамда ижро органларининг ишини баҳолаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан баҳолаб борганлигини билдирди, шу билан бирга жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш таклифини бериб, овозга қўйди.

(Кузатув Кенгаши ҳисоботи илова қилинади №10).

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан умумий йиғилиш раиси Ф.Д.Ниязов 2019 молия йили давомида Бошқарув органи томонидан жамиятнинг молиявий-иктисодий аҳолини яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига эътиборни қаратган ҳолда биржа савдоларига қўйиш, филиал ва шаҳобчаларни бундой мавсумига тайёрлаш, дон қабул қилиш, уни сифатли сақлаш, уруғлик тайёрлаш ва тарқатиш, ишлаб чиқариш цехларини доимий ишлашини таъминлаш борасидаги ишлар амалга оширилганини айтиб ўтди. Шу билан бирга уларнинг фаолликлари натижасида 2019 йилга белгиланган “Бизнес-режа”да белгиланган соф фойда кўрсаткичлари ошиғи билан бажарилганлигини маълум қилди.

Жамият Бошқарув органи таркиби ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига амал қилган ҳолда хато ва камчиликларга йўл қўймасдан иш олиб бориши лозимлиги таъкидланди. (Кузатув кенгашининг Бошқарув органи фаолияти бўйича ҳисоботи илова қилинади Илова №11).

Юқоридагиларни эътиборга олиб жамият Кузатув кенгаши раиси Бошқарув органи раиси ва қолган Бошқарув органи аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йил муддатга узайтириш таклифини бериб, овозга қўйди.

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси Ф.Д.Ниязов кун тартибдаги **ўн учинчи масала** юзасидан тафтиш комиссияси номзодига Жамият акцияларининг 14,38 фоизини сотиб олган «FREWAR INVESTMENTS» МЧЖнинг 2020 йил 30 январдаги 5-сонли хатига асосан ГУП "FOND BOZORINING AXBOROT – RESURS MARKAZI" бош ҳисобчиси Е.А.Патринани номзодини киритиш, шунингдек акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 2020 йил 24 январдаги хатида Жамият акцияларининг 1,2 фоизига эгалик қилишини маълум қилиб, тафтиш комиссияси аъзоллигига Юлдашбаев Собиржон Ортикович ва Қиличев Тураншоҳ Дилшод ўғли номзодларини киритиш таклифи берилган. Йиғилиш раиси номзодлар обективкаси билан йиғилганларни таништириб чиқди ва ушбу Е.А.Патрина, С.О.Юлдашбаев ва Т.Д.Қиличевлар номзодини 2020 йил учун жамият тафтиш комиссияси этиб сайлашни бюллетенда кўрсатишлари мумкинлигини айтиб ўтди. («FREWAR INVESTMENTS» МЧЖнинг 2020 йил 30 январдаги 5-сонли хати ва акциядор Х.С.Мухамедалиеванинг 2020 йил 24 январдаги хати илова қилинади. Иловалар №12 ва №13)

Бошқа таклифлар борми?

Таклифлар бўлмади.

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси кун тартибдаги **ўн тўртинчи масала** бўйича ахборот бериб, жамият Кузатув Кенгаши аъзоллигига «Ўздонмахсулот» АКнинг 2020 йил 28 январдаги 6-сонли буйруғининг 2-иловасига асосан «Ўздонмахсулот» АК томонидан жамият Кузатув кенгаши таркибига «Ўздонмахсулот» АК Дон ва уруғликни тайёрлашни, сақлашни ташкил этиш бошқармаси етакчи мутахассиси Н.Жумаев, «Ўздонмахсулот» АК ДР ва УТТЭБ бошлиғи Ф.Д.Ниязов, «Ўздонмахсулот» АК АБКМБ бош мутахассиси К.Примов, «Ўздонмахсулот» АК Молия ва бухгалтерия ҳисоби Бошқармаси бош ҳисобчиси Т.Р.Утаев, «Ўздонмахсулот» АК Молия ва бухгалтерия ҳисоби Бошқармаси етакчи иктисодчи молиячи А.Г.Вахитова, «Ўздонмахсулот» АК Ишлар бошқармаси бошлиғи У.М.Меликов, «FREWAR INVESTMENTS» МЧЖнинг таъсисчиси К.А.Гуламовнинг 2020 йил 30 январдаги 5-сонли хатига асосан Кузатув кенгаши аъзоллигига номзодини тавсия қилинганлигини маълум қилди ва берилган номзодларнинг маълумотномалари билан қисқача таништириб ўтди. («Ўздонмахсулот» АКнинг 2020 йил 28 январдаги 6-сонли буйруғи илова қилинади. Илова № 14).

Йиғилиш раиси Кузатув Кенгаши аъзоллигига берилган номзодларни сайлашда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасида белгиланган тартиб бўйича, яъни кумулятив тарзда овоз беришларини сўради.

Бошқа таклифлар борми?

Таклифлар бўлмади.

➤ «Ўздонмахсулот» АК ДР ва УТТЭБ бошлиғи Ниязов Феруз Джаббаровичнинг номзодига - 1 545 742 дона овоз - 12,95%,

➤ «Ўздонмахсулот» АК Молия ва бухгалтерия ҳисоби Бошқармаси бош ҳисобчиси Утаев Тулкин Рузимуродовичнинг номзодига – 1 535 092 дона овоз – 12,85%,

➤ «Ўздонмахсулот» АК И ва ЯТЖЭБ етакчи муҳандиси Жумаев Нодир Жахановичнинг номзодига - 1 541 998 дона овоз – 12,8%,

➤ «Ўздонмахсулот» АК АБКМБ етакчи мутахассиси Примов Комилжон Каримовичнинг номзодига - 1 541 704 дона овоз – 12,9 %,

➤ «Ўздонмахсулот» АК Молия ва бухгалтерия ҳисоби Бошқармаси етакчи иктисодчи молиячи Вахитова Анжелла Габдулфаязовнанинг номзодига – 1 529 868 дона овоз – 12,8%;

➤ «Ўздонмахсулот» АК ИБ бошлиғи Меликов Убайдулло Мустафакуловичнинг номзодига - 1 542 648 дона овоз – 12,9%,

➤ «FREWAR INVESTMENTS» МЧЖ таъсисчиси Гуламов Кахрамон Ахмадовичнинг номзодига - 2 710 247 дона овоз – 22,7 %ни ташкил этадиган миқдорда овоз йиғишди.

Кун тартибининг **ўн бешинчи масаласи** юзасидан умумий йиғилиш раиси Ф.Д.Ниязов жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текширувдан ўтказиш учун 2 та аудиторлик ташкилоти, булар: «ABS FINANS AUDIT» МЧЖ – аудиторлик ташкилоти 15.000.000 сўмга, «PROM-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти – 13.000.000 сўмга хизмат кўрсатишлиги мумкинлиги ҳақида ўз таклифларини берганликларини маълум қилди. Йиғилиш раиси акциядорлардан уларга берилган бюллетенда аудиторлик ташкилотларидан бирига овоз беришлари мумкинлигини айтиб ўтди.

Бошка таклифлар борми?

Таклифлар булмади.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи масала** юзасидан «PROM-AUDIT» МЧЖ энг кўп 1 704 255 дона, яъни 99,85 % овоз билан тасдиқланди.

Ўн олтинчи масала юзасидан 2019 йил якуни бўйича АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ва жамият тафтишчисининг фаоликларини эътиборга олган ҳолда Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Жамият низомига асосан Кузатув кенгаши аъзолари Ф.Д.Ниязов, Т.Ўтаев, К.Примов, Н.Жумаев, Б.Тоиров, А.Вахитова ва А.А.Кайрлаповларга асосий ойлик рағбатлантириш суммасини Кузатув кенгаши раиси сифатида амалда ишлаган даврига кўпайтирилган ҳолда, ҳамда жамият тафтиш комиссияси аъзолари Е.А.Патрина, С.О.Юлдашбаев, Т.Қиличевга асосий ойлик рағбатлантириш суммасини Тафтиш комиссияси аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) кўпайтирган ҳолда амалга ошириш таклифини бериб овозга қўйди:

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Ўн еттинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ф.Д.Ниязов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 147-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарорлари ҳамда 2017 йил 4 октябрдаги 795-сонли қарори билан тасдиқланган классификаторга, ва Молия бўйича директор А.А.Қодиров, Бош ҳисобчи А.Эшмаматовларнинг билдиришномаларига асосан акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмасини уларнинг тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мувофиқлаштиришни сўраб мурожаат қилганликларини билдирди.

Йиғилиш раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорлари асосида мувофиқлаштириб ишлаб чиқилган жамиятнинг ташкилий тузилмаси билан акциядорларни таништириб, уни тасдиқлаш таклифини бериб овозга қўйди. (Жамиятнинг ташкилий тузилмаси илова қилинади №14.)

Розилар – 1 706 757 дона овоз – 100%, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан берилган бюллетенлар орқали овозларни санаш учун сўзни санок комиссияси раиси Д.Юлдашевага берди.

Овозларни санаш учун 20 дақиқага танаффус эълон қилинди.

Танаффусдан сўнг санок комиссияси раиси овоз натижаларини ўқиб эшиттирди.

(Санок комиссиясининг 2020 йил 30 мартдаги баённомаси илова қилинади. Илова №15).

Умумий йиғилиш раиси санок комиссиясининг баённомасини ахборот учун қабул қилиш таклифини берди.

Умумий йиғилиш раиси Ф.Д.Ниязов йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар лойиҳасини ўқиб эшиттирди.

Берилган таклиф ва қўшимчалар билан қарор лойиҳаси тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Юкорида баён этилганларни ва овоз бериш натижаларини ҳисобга олган ҳолда акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ А Б У Л Қ И Л А Д И :

1. Умумий йиғилиш ишчи органи қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
Президиум аъзолари:
 - 1) Кузатов кенгаши раиси, «Ўздонмахсулот» АК вакили – Ниязов Ферузбек Джаббарович;
 - 2) Ижроия органи раҳбари – Халмухамедов Бобир Махкамович;
 - 3) Бошқарув маслаҳатчи (Корпоратив масалалар бўйича) –Каримов Камол Сафаевич.Умумий йиғилиш котибаси - Акромова Лобар Худайбергановна
2. Санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:
Санок комиссияси раиси –Юлдашева Даврия Равшановна;
Санок комиссияси аъзолари: Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна,
Холхўжаев Афзалхон Йулчибой ўғли.
3. Умумий йиғилиш кун тартиби тасдиқлансин.
4. Умумий йиғилиш иш регламенти тасдиқлансин.
5. Жамият Бошқарувининг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботи 2-иловага мувофиқ, ҳамда ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва кониқарли деб топилсин.
6. 2014 йил 9 октябрдаги 2383-сонли буйруғининг 2-илловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
7. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
8. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан аудиторлик ташкилоти ҳулосаси 6-иловага мувофиқ, ҳамда жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
9. 2019 йилдаги коорпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонаси томонидан берилган ҳулосаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
10. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 51-моддасига, ҳамда Жамият Уставининг 6-моддаси 21 бандига асосан Жамиятнинг 2019 йил натижалари бўйича олинган 24 933 460 000 сўм соф фойданинг 70%и, яъни 17 453 422 000 сўм маблағини жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш, қолган 30 %и 7 480 038 сўмини дивиденд тўловига ажратилсин. Бунда ҳарбир дона оддий акция учун 2.922 сўм 00 тийин ва имтиёзли акцияларнинг ҳар бири учун 3.556 сўм 00 тийиндан дивиденд тақсимлансин, ҳамда уни 2020 йил 30 апрелдан 2020 йил 29 майга қадар тўлаб бериш чоралари кўрилсин.
11. Жамият Кузатов Кенгашининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин ва унинг фаолияти кониқарли деб топилсин.
12. 2019 йил учун Жамият Бошқарув раиси ва қолган аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси 1 йилга узайтирилсин, ҳамда Жамият номидан Бошқарув раиси ва Бошқарув органи аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколати жамият кузатов кенгаши раисига берилсин.

13. 2020 йил учун жамият тафтиш комиссияси аъзоллигига Патрина Елена Анатольевна, Юлдашбаев Собиржон Ортикович, Қиличев Тураншоҳ Дилшод ўғли номзодлари тасдиқлансин.


14. "G'alla-Alteg" АЖ Кузатув Кенгаши аъзолари этиб, Ф.Д.Ниязов 1 545 742 дона овоз, Т.Ўтаев 1 535 092 дона овоз, У.М.Меликов 1 542 648 дона овоз, А.Вахитова 1 529 868 дона овоз, Н.Жумаев 1 541 998 дона овоз, К.Примов 1 541 704 дона овоз, Қ.Гуламов 2 710 247 дона овоз билан тасдиқлансин.

15. Жамиятнинг 2020 йилга ташқи аудитори этиб, «PROM-AUDIT» МЧЖ энг кўп 1 706 757 дона, яъни 100% овоз билан тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори 13 000 000 сўм қилиб белгилансин.

16. 2019 йил якуни бўйича АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ва жамият тафтиш комиссиясининг фаоликларини эътиборга олган ҳолда Кузатув кенгаши аъзолари Ф.Д.Ниязов, Т.Ўтаев, К.Примов, Н.Жумаев, Б.Тонров, А.Вахитова ва А.А.Қайрлаповларга асосий ойлик рағбатлантириш суммасини Кузатув кенгаши аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига қўпайтирилган ҳолда, ҳамда жамият тафтиш комиссияси аъзолари Е.А.Патрина, С.О.Юлдашбаев, Т.Қиличевга асосий ойлик рағбатлантириш суммасини Тафтиш комиссияси аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) қўпайтирган ҳолда рағбатлантирилсин.


17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 147-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарорлари ҳамда 2017 йил 4 октябрдаги 795 - сонли қарори билан тасдиқланган классификаторга мувофиқлаштирилган Жамиятнинг ташкилий тузилмаси 14 - иловага мувофиқ тасдиқлансин

Йиғилиш раиси



Ф.Д.Ниязов

Йиғилиш котибаси



Л.Х.Ақромова

Акциядорларнинг умумий йиғилиши масофадан туриб утказилганлиги сабабли мажлис котиби томонидан тайёрланган умумий йиғилиш баённомаси йиғилиш раисига онлайн тарзда таништирилади ва имзо учун маъқулланди.

Баённома имзоланган сана « 8 » сентябр 2020 й.